# XALQ DEPUTATLARI JALAQUDUQ TUMAN KENGASHI
# QAROR

**Jalaquduq shahri**

2022 - yil 10 - oktabr VI-38-96-1-21-K/22 Jalaquduq tumani hokimligi

## Жалақудуқ туманидаги Янгикўрпа, Қиличмозор, Ғозичеки маҳалла фуқаролар йиғинидаги айрим кўча номларини ўзгартириш тўғрисида

Жалақудуқ туманидаги Янгикўрпа, Қиличмозор, Ғозичеки маҳалла фуқаролар йиғинларининг йиғилиш баёнлари ва туман ҳокимига ҳудуддаги ички кўча номларини ўзгартириш, тарихий манбаларга суянган ҳолда янгилаш, кўчаларни янги замонавий ҳамда миллийлигимизга мос ном билан аташ таклифини тасдиқлаш тўғрисидаги хатлари “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиясининг ҳулосаси ва таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси томонидан тақдим этилган хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ҳамда туман комиссияси таклифларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Жалақудуқ тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Жалақудуқ туман ҳокимининг Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2022 йил 30 июнь

кунги 15-сонли баённомаси ҳамда Географик объектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш бўйича Республика Эксперт комиссияси хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2.Жалақудуқ тумани комиссияси томонидан тақдим этилган 13 та географик объектни қайта номлаш бўйича таклифи юзасидан Республика Эксперт комиссиянинг тасдиқлаган хулосаси маъқуллансин.

3.Жалақудуқ туманида жойлашган маҳалла фуқаролари йиғинларидаги қайтаномланган кўчалар рўйхати **1-3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

4.Туман ҳокимининг ўринбосари (И.Худайбердиев), туман статистика бўлими(М.Сотволдиев) ҳамда Кадастр агентлиги туман филиали (А.Алимов) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда номлари ўзгартирилган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш ҳамда номи ўзгартирилган кўчалар маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5.Туман ички ишлар бўлими (Ғ.Алимов) номлари ўзгартирилган ҳудудлардааҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишлариниташкилий равишда амалга оширсин.

6.Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича туман комиссияси котиби (А.Ғуломов), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (С.Уринбоев)лар номи ўзгартирилган кўчалар маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатилишини назорат қилсин.

7.Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларинимолиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8.“Жалақудуқ хаёти” газетаси (Ш.Хайтохунов) ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати(О.Рахимов)ушбу қарор газета ва туман ҳокимлиги расмий сайти саҳифасида ёритилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари

туман Кенгашининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлашмасалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Эргашева) ва қарор ижросини таъминлашгеографик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси (И.Худайбердиев) зиммасига юклатилсин.

10.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Tuman Kengashi raisi** **Х. Латипов**

Xalq deputatlari Jalaquduq tuman
Kengashining
2022 yil 10 oktabrdagi
VI-38-96-1-21-K/22-son qaroriga
1-ilova

## Янги ном бериш учун тавсия қилинаётган кўчалар бўйича таклифлар

| № | Амалдаги номланиш | Луғавий-семантик жиҳатдан | Таклиф этилаётган кўча номи | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | “Янги кўрпа” МФЙ Мосқишлоқ кўчаси | Кўча номига нисбатан мосқишлоқ атамасининг қўлланиши номувофиқ | Нурафшон | нур сочувчи, нур тарқатувчи. Нур сочувчи, нурли, порлоқ. |

Xalq deputatlari Jalaquduq tuman
Kengashining
2022 yil 10 oktabrdagi
VI-38-96-1-21-K/22-son qaroriga
2-ilova

## Янги ном бериш учун тавсия қилинаётган кўчалар бўйича таклифлар

| № | Амалдаги номланиш | Луғавий-семантик жиҳатдан | Таклиф этилаётган кўча номи | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| | Ғозичеки МФЙ Номсиз Асосий кўчага | | Тошкент | Малакатимиз пойтахтига эхтиром маъносида танланган ном. |
| | Номсиз | | Файзли | Тўкилиш, ёйилиш; мўл-кўлчилик; саховат, мурувват. Ўзига жалб қилишлик, қувонч бахш этувчи жозибадорлик. |
| | Номсиз | | Исломобод | Ўзбекистон Республикасининг бирнчи Президенти Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида танланган ном. |
| | Номсиз | | Мухташам | Муҳтарам, ҳурматли; ҳашаматли. Ҳашамат билан ишланган, ҳашамат берилган, улуғвор ва серҳашам. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Номсиз | | Роҳат | Тинчлик, хотиржамлик, ором. Эстетик завқ ёки ором берадиган нарсалардан олинадиган лаззат, ҳузур, гашт. |
| | Номсиз | | Бунёдкор | Асос солувчи, Асос солувчи, барпо қилувчи |
| | Номсиз | | Гулзор | Ўз маъносида |
| | Номсиз | | Боғ | Ўз маъносида |
| | Номсиз | | Жасорат | Мардлик, кўрқмаслик; шижоат. Қаҳрамонлик, мардлик, ботирлик, довюраклик |
| | Номсиз | | Фароғат | Дам олиш , бўш вақт, тинчлик, осойишталик, осудалик, роҳат. Киши ором оладиган ҳол, шароит; осойиш талик, тинчлик; роҳат. |

Xalq deputatlari Jalaquduq tuman
Kengashining
2022 yil 10 oktabrdagi
VI-38-96-1-21-K/22-son qaroriga
3-ilova

## Янги ном бериш учун тавсия қилинаётган кўчалар бўйича таклифлар

| № | Амалдаги номланиш | Луғавий-семантик жиҳатдан | Таклиф этилаётган кўча номи | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қиличмозор МФЙ Номсиз кўча | | **Бунёдкор** | Обод ва кўркам манзил |
| | | | Юксалиш | Янгиликка интилиш |
| | | | Истиқлол | Мустақиллигимиз бўлган чексиз хурмат |